

**PSTN-G0120/369 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Наманган ш.

2022 йил “17” санвар

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30-декабрдаги 27-01-14-6033-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанийнинг АК “Ўзбектелеком” Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Наманган вилояти хокимлигигина Кабуллар уйи давлат корхонаси Устав (Низом, рўйхатта олинганилик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ф. Сайдутдинов (кейинги ўринларда – Абонент) иккичи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қўйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофик “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлик танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиши учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз хуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофик, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённи Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширадилар.

3.3.1. Илк бор уланинда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишили оловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофик ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили оловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофик кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган ҳолда) 210000 (йекунод ўн минг) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма () сўм микдоридаги Абонент тўловини ҳамда () микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошираслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартиби солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама, акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлик календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (үй) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчиллигига мувофик ҳамда низоларни судгача ҳал этиши тартибида риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар

Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартиба солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъй эътироф эттан холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган хар қандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шакидаги тақдим этилган ариза/зътироznома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегиши шакидаги жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишида хабардор килинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2021 йил 31 декабрга кадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тутаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттираса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон, килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 2021 йил 31 декабрга кадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул килганилиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошقا ўзгаришилар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришилар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолangan ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, хакиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АҚ Наманган филиали	Наманган вилояти хокимигининг Кабуллар уйи давлат корхонаси
Манзил: Наманган шаҳар Истиклол кучи 57-йи Банк маълумотлари: х/р: 2021 0000 0040 7483 8363; СТИР: 20336673 МФО: 00401, АТБ “Алокабанк” Тел: ; E-mail: b2b@uztelecom.uz;	Манзил: <i>Наманган вилояти хокимигининг Кабуллар уйи давлат корхонаси</i> Банк маълумотлари: х/р: <i>100021860144013013902018004</i> СТИР: <i>20 715 7250</i> МФО: <i>00014</i> ; Банк номи: <i>Меридиен БАНК</i> Ташкент Тел: <i>69 232-00-49</i> E-mail: ; Дот: ;
Оператор номидан: <i>Б. Нурматов</i> /имзо/ М.ў.	Абонент номидан: Директор <i>Ф. Сайфутдинов</i> /имзо/ М.ў.

Юрист *Иргашев О*

Исп.: Иргашев О
Тел: (369) 227-00-71

2022 йил “17” дан бор
 PSTN-G0120/369 –сонли абонент шартномасига
 1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта - йиғиндиси

№	Хизматлар рўйхати	ҚҚС билан нарх (киймат)	асослаш	микдор	микдори; ҚҚС билан, сум
1	2	3	4	5	6
1.1	Абонент тўлови (чеклов 180 дакиқа) 12 сўмдан ошиб кетган 1 дакиқа нархи Лс 4164950	6 900	125-1/7-сонли нархномага асосан	5	34 500
1.2	ДВО. Рақамларни аниқлагич	1 820	125-1/7-сонли нархномага асосан	3	5 460
1.3	ДВО. Кирувчи хабарларни йўналтириш кўнгироклар	1 970	125-1/7-сонли нархномага асосан	2	3 940
Жами (олдиндан тўлов)					43 900,00

Жами олдиндан тўлов микдори 43 900,00 (қирқ уч минг тўққиз юз) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Хар ойлик тулов 43 900,00 сум

Шартноманинг умумий микдори 110000 (ИЧНИ ЮЗДИН СИНГ) сўмни ташкил этади. Ундан _____ (_____) сўм микдорида ойлик абонент тўлови ҳамда _____ (_____) сўм бир маротабалик FTTx технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:
 “Ўзбектелеком” АҚ
 Наманган филиали

Директор Б.Нурматов



АБОНЕНТ:
 Наманган вилояти хокимлигининг Кабуллар уйи давлат корхонаси

Директор Ф.Сайфутдинов



2022 йил “17” санвар
PSTN-G0120/369 – сонли абонент шартномасига
2-илова

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва маҳсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси

Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил “17” “санвар”
PSTN-G0120/369 - сон шартномага асосан тегишли ишлар оширилди

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топшириш -
қабул қилиш далолатномаси

№	Курилманинг дастурий таъминот номи	Микдори	Серия коди ёки завод раками	15% ҚҚСни инобатга олган холда, етказиб бериш қиймати, (сўмда)
1	2	3	4	5
1				

*Курилмалар Оператор томонидан Абонентга мулк сифатида топширилади.

*Абонент, Оператор томонидан алоҳида уланишлар ташкил этилиши учун сотиб олинган қурилмадан техник
шартларга мувофиқ, белгиланган мақсадда фойдаланиши учун жавобгардир.

*Абонент қурилмаларнинг сифатига, ассортиментига ва сонига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ.

*Ушбу далолатнома сотиб олинган қурилмага эгалик қилиш хуқуқини бериш тўғрисидаги хужжатдир.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АҚ
Наманган филиали

АБОНЕНТ:
Наманган вилояти хокимлигининг Кабуллар уйи давлат
корхонаси

Оператор номидан:
Директор Б.Нурматов
ИМЗО / М.Н.

Абонент номидан:
Директор Ф Сайфутдинов
ИМЗО / М.Ў.